

Мавзу	Қириндининг киришуви ва унинг миқдорига таъсир этувчи омилларни ўрганиш
--------------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машгулот вақти - 2 соат</i>	Талабалар сони: 12 – 15 гача
<i>Машгулот шакли</i>	Лаборатория
<i>Лаборатория машгулоти режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Кесиш жараёнидаги физикавий ҳодисалар 2. Қиринди ҳосил бўлиш жараёни 3. Қиринди турлари 4. Қириндининг чўкиши 5. Қириндининг чўкишига кесиш режимининг элементларининг таъсири
<p>Ўқув машгулотининг мақсади: Йўниш жараёнида кесиб олинаётган катламнинг деформацияланишини кузатиш. Қиринди турларини аниқлаш, қириндининг чўкишига кесиш тезлиги, суриш катталиги ва олдинги бурчак кийматининг ўзгаришини таъсирини текшириш.</p>	
<p style="text-align: center;">Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кесиш жараёнидаги физикавий ҳодисалар тўғрисида умумий тушунча бериш. • Қиринди ҳосил бўлиш жараёни билан таништириш. • Қиринди турлари билан таништириш. • Қириндининг чўкишини изоҳлаб бериш. • Қириндининг чўкишига кесиш режимининг элементларининг таъсирини ўргатиш. 	<p style="text-align: center;">Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кесиш жараёнидаги физикавий ҳодисалар тўғрисида умумий тушунчаларга эга бўлишади. • Қиринди ҳосил бўлиш жараёни ҳақида маълумот олишади. • Қиринди турлари билан танишадилар. • Қириндининг чўкиши ҳақида маълумот олишади. • Қириндининг чўкишига кесиш режимининг элементларининг таъсирини ўрганиб олишади.
Таълим бериш усуллари	Лаборатория, кўргазмали, “Қандай” техникаси
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. «Қириндининг киришуви ва унинг миқдориға таъсир этувчи омилларни ўрганиш» лаборатория машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Лаборатория машғулоти учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Мавзунинг ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини таёрлаб кўйиш.	
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Эcranга мавзунини номини ва режаси кўринишини чиқаради ва уларга қисқача таъриф беради. (1-илова) 1.2. Мавзуга оид адабиётлар рўйхати билан таништиради ва лаборатория машғулоти бўйича баҳолаш мезонлари тушунтирилади. (2-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар.
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Кесиш жараёнидаги физикавий ҳодисаларни Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш орқали тушунтириб беради (3-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.2. Қиринди ҳосил бўлиш жараёни ёритиб берувчи слайдлар намойиши орқали маълумотлар беради. (4-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.3. Қиринди турлари билан таништиради. (5-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.4. Қириндининг чўкишини изоҳлаб беради (6-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.5. Қириндининг чўкишига кесиш режимининг элементларининг таъсирини ўргатади. (7-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.6. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Қандай” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (8-илова)	Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3.Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун кейинги лаборатория машғулоти мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.